

Аллоҳ таоло бандаси тавба қилганда, шу қадар хурсанд бўладики...

19:18 / 16.10.2017 4382

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ходимлари Абу Ҳамза Анас ибн Молик ал-Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Аллоҳ таоло бандасининг тавбасидан сизлардан бирингиз чўлда йўқолган туясини топиб олганидаги хурсандчилигидан ҳам зиёда шод бўлур”, дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Имом Муслимнинг бошқа бир ривоятларида: **“Аллоҳ таоло бандаси тавба қилганда, шу қадар хурсанд бўладики, сизлардан бирингизнинг миниб турган туяси чўл ерда қўлидан чиқиб қочса, таоми ва ичимлиги туяда бўлса, у киши туясидан умидини узиб, дарахт соясида ётганида, қарасаки, туяси олдида турган бўлса, унинг тизгинидан ушлаб қаттиқ хурсанд бўлганидан: «Аллоҳим сен менинг бандамдирсан. Ва мен сенинг роббингдирман», деб қаттиқ хурсанд бўлганидан мана (шу тариқа) хатога йўл қўяди”**, дейилади.

(Яъни, банда тавба қилса, Аллоҳ таолонинг хурсандчилиги бандасиникидан ортиқроқ бўлади.)